





**“Ҳар бир оила тадбиркор” дастури доирасида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ва маслаҳат олиш учун қуйидаги телефон рақамларга боғланишингиз мумкин.**

**Телефон рақамлари:**
**71 202 80 08 (11267)**

**Электрон манзил:**
**headoffice@agrobank.uz**
**www.agrobank.uz**

**Хизматлар лицензияланган.**

AGROBANK



# ҚУЁНЧИЛИК

**Агробанк томонидан**
**“Ҳар бир оила тадбиркор”**
**дастури доирасида ажратиладиган**
**имтиёзли микрокредитлар**

## Асосий тушунчалар

**“Ҳар бир оила тадбиркор”** дастури доирасида микрокредитлар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш объектларни ташкил этишга, уларни техник ва технологик жиҳозлашга қаратилган лойиҳаларни молиялаштириш мақсадларида ажратилади.

**Қарз олувчи** – тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагида бўлган жисмоний шахслар, шунингдек, кичик тадбиркорлик субъектлари ҳисобланган якка тартибдаги тадбиркорлар, микрофирмалар, кичик корхоналар, деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳамда оилавий тадбиркорлик субъектлари.

## Кредит мақсади

Қуёнчиликни ривожлантириш учун

## Жисмоний шахслардан талаб этиладиган ҳужжатлар:

• Ариза;
• Паспорт;
• Туман оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш маркази хулосаси;
• Мол етказиб берувчи ташкилот билан тузилган шартнома.

## Кичик тадбиркорлик субъектидан талаб этиладиган ҳужжатлар:

• Ариза;
• Бизнес-режа;
• давлат солиқ инспекциясига охирги ҳисобот даври учун бухгалтерия баланси (1-сон шакл), молиявий натижалари (2-сон шакл) ҳисоботи (янги ташкил этилган юридик шахслар бундан мустасно);
• Мол етказиб берувчи ташкилот билан тузилган шартнома.

## Таъминот тури:

**Жисмоний шахслар учун:**

• микрокредит қайтарилишининг таъминотига сектор раҳбарлари ва маҳалла фуқаролар йиғинининг оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун бериладиган имтиёзли кредитлаш бўйича тавсияномаси.

Бунда тижорат банклари кредитнинг қайтмаслик хатарини суғурталайди.

**Кичик тадбиркорлик субъектлари учун:**

• учинчи шахс кафиллиги;
• суғурта полислари;
• кредит ҳисобига сотиб олинаётган мол-мулклар;
• Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасининг кафиллиги;
• бошқа таъминот турлари.

## Кредит миқдори

• БҲМ*нинг 150 бараваригача миқдорда - оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун;
• БҲМнинг 1000 бараваригача миқдорда - кичик тадбиркорлик субъектлари учун;
• БҲМнинг 1000 бараваридан ортиқ миқдорда - самарадорлиги юқори ва барқарор иш ўринлари яратиш имконияти мавжуд лойиҳалар учун.

## Фоиз ставкаси

Микрокредитлар йиллик 14 фоиз устама тўлаш шарти билан ажратилади.

## Кредит муддати

• Микрокредитлар 6 ойгача имтиёзли давр билан 3 йилдан кўп бўлмаган муддатга;
• Айланма маблағларни тўлдиришга имтиёзли кредитлар 18 ой муддатгача револьвер кредит тарзида ажратилади.

***БҲМ -** базавий ҳисоблаш миқдори

# ҚУЁНЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН

| № | Кўрсаткичлар | Ўлчов бирлиги | Миқдори |
|---|---|---|---|
| **1** | **Ажратиладиган кредит миқдори** | **минг сўм** | **4 600** |
| 1.1 | *Қуён (12 дона, 200 минг сўм)* | минг сўм | 2 400 |
| 1.2 | Қафас | минг сўм | 2 200 |
| **2** | **Жами 3 йиллик харажат** | **минг сўм** | **21 714** |
| 2.1 | Озуқа-ем харажати *(1 йилда 117 та қуён учун 2000 кг, 2 йилда 262 та қуён учун 3400 кг, 3 йилда 262 та қуён учун 3400 кг озуқа ейди. 8800 кг*1700 сўмдан)* | минг сўм | 14 960 |
| 2.2 | Бошқа харажатлар *(кимёвий дори ва бошқалар)* | минг сўм | 1 000 |
| 2.3 | Жами 3 йиллик кредит фоизи | минг сўм | 1 154 |
| 2.4 | Жами кредит тўлови | минг сўм | 4 600 |
| **3** | **3 йилда олинадиган даромад** | **минг сўм** | **29 700** |
| 3.1 | Олинадиган маҳсулот қиймати *(1 йилда 10 бош она қуён 3 марта 80 % туқғанда қуён болалари 120 тани, жами 132 бошга етади. 2 йилда 20 бош она қуён 3 марта 90% туқғанда қуён болалари 270 бошга етади. 3 йилда 20 бош она қуён 3 марта 90% туқғанда қуён болалари 270 бошга етади.)* | дона | 660 |
| 3.2 | Маҳсулот қиймати *(қуён гўшти 40 минг сўм, қуён териси 5 минг сўм)* | **сўм** | 45 000 |
| **4** | **Соф фойда** *(3 йилда )* | **минг сўм** | **7 986** |

